



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

18 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 18, НОМЕР 3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 18, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2025

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№3 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-3>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Adilxodjayeva Surayo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)  
**Umarxonova Dildora Sharipxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)  
**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)  
**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)  
**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farxod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govverjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

<b>1. Xabibullayeva Dilfuza Kuanishbay qizi</b> DAVLAT XIZMATLARI TUSHUNCHASI VA UNING HUQUQIY MAQOMI.....	5
<b>2. Халилова Нигорахон Акмалжон кизи</b> РОЛЬ СВОБОДЫ СЛОВА В МЕХАНИЗМЕ КОНТРОЛЯ НАД ГОСУДАРСТВЕННЫМИ ОРГАНАМИ.....	12
<b>3. Baratov Mirodiljon Khomudzhonovich, Khakimov Ravshan Tulkunovich, Akramxodjaev Bori Toxtaxodjaevich</b> ACCESSION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN TO THE WORLD TRADE ORGANIZATION AND CURRENT ISSUES OF CYBER PROTECTION OF THE AUTOMOTIVE INDUSTRY OF UZBEKISTAN.....	19
<b>4. Фахриддинов Аловуддин Фахриддинович</b> КИССАВУРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШГА ОИД АЙРИМ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ.....	26
<b>5. Рузиназаров Шухрат Нуралиевич</b> ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ: МИРОВЫЕ ОРИЕНТИРЫ И ОПЫТ СТРАН ЦАРЭС И ОТГ.....	34
<b>6. Давлятов Валишер Хакимжанович</b> АДВОКАТЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИ: АҲАМИЯТИ, ЗАРУРАТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	58
<b>7. Рустамов Нодирбек Илхомович</b> ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ БОСҚИЧИДА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	65
<b>8. Ametova Nurjamal Qudaybergenovna</b> HARBIY YOКИ MAXSUS UNVONDAN MAHRUM ETISH TARZIDAGI QO‘SHIMCHA JAZO TURINI TA‘YINLASHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	74
<b>9. Садуллаев Жахонгир Джамshedович</b> АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРГАНЛИК, СОТГАНЛИК ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	80
<b>10. Матжанов Илхам Адилбаевич</b> ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВДА ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ОАВ ДА ТАРҚАЛГАН ХАБАР ВА МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЕКШИРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ АҲАМИЯТИ.....	88
<b>11. Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич</b> ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КОРРУЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	95
<b>12. O‘rinova Dilshoda Adxamovna</b> AYOLLAR JINOYATCHILIGINING SABABLARI, UNI VUJUDGA KELITIRUVCHI SHART- SHAROITLAR.....	108




## 12.00.07-СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ. ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР. ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. АДВОКАТУРА

Давлятов Валишер Хакимжанович,  
Юридик фанлар доктори (DSc), доцент  
E-mail: valisherdavlyatov@gmail.com

### АДВОКАТЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИ: АҲАМИЯТИ, ЗАРУРАТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**For citation:** Davlyatov Valisher Khakimjanovich. SELF-GOVERNMENT BODY OF ADVOCATES: IMPORTANCE, NECESSITY AND FEATURES. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 3, pp. 58-64

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15158637>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада Адвокатлар палатасини ташкил этишнинг аҳамияти, зарурати ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Адвокатлар палатасини ташкил этиш нафақат адвокатлар ўртасида бирлашган тизимли ҳамкорликни таъминлаш, балки мамлакатда ҳуқуқий маданиятни ошириш ва малакали юридик ёрдамни янада кенгайтириш учун муҳим ҳисобланади. Аввало, Адвокатлар палатасининг таъсис этилиши адвокатлар ўртасидаги касбий стандартларни белгилаш ва уларга риоя этилишини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Бу палата орқали адвокатлар касбий одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишлари назорат қилинади, бу эса ҳуқуқий тизимнинг адолатли ва самарали ишлашини таъминлайди.

**Асосий сўзлар:** адвокат, адвокатура, Адвокатлар палатаси, адвокатлик бюроси, адвокатлик фаолияти, руҳсатнома.

Давлятов Валишер Хакимжанович,  
Доктор юридических наук (DSc), доцент  
E-mail: valisherdavlyatov@gmail.com

### ОРГАН АДВОКАТСКОГО САМОУПРАВЛЕНИЯ: ЗНАЧЕНИЕ, НЕОБХОДИМОСТЬ И ОСОБЕННОСТИ

#### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются значение, необходимость и особенности создания Палаты адвокатов. Создание Палаты адвокатов важно не только для обеспечения единого системного сотрудничества между адвокатами, но и для повышения правовой культуры в стране и дальнейшего расширения квалифицированной юридической помощи. Прежде всего, учреждение Палаты адвокатов имеет большое значение в установлении профессиональных стандартов среди адвокатов и обеспечении их соблюдения. Через эту палату осуществляется

контроль за соблюдением адвокатами правил профессиональной этики, что обеспечивает справедливое и эффективное функционирование правовой системы.

**Ключевые слова:** адвокат, адвокатура, Палата адвокатов, адвокатское бюро, адвокатская деятельность, разрешение.

**Davlyatov Valisher Khakimjanovich,**

DSc in Law, Docent

E-mail: valisherdavlyatov@gmail.com

## SELF-GOVERNMENT BODY OF ADVOCATES: IMPORTANCE, NECESSITY AND FEATURES

### ANNOTATION

The article analyzes the importance, necessity, and specific features of establishing the Chamber of Lawyers. The creation of the Chamber of Lawyers is important not only for ensuring unified systemic cooperation between lawyers, but also for raising legal culture in the country and further expanding qualified legal assistance. First of all, the establishment of the Chamber of Lawyers is of great importance in establishing professional standards among lawyers and ensuring their observance. Through this chamber, lawyers are monitored for compliance with the rules of professional ethics, which ensures the fair and effective functioning of the legal system.

**Keywords:** lawyer, bar, Chamber of Advocates, law office, legal practice, permit.

Адвокатура институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг ривожланиш генезиси мамлакатимизнинг давлат мустақиллигига эришгандан сўнг бошланди. Ҳайъатларнинг тегишли туманларда юридик маслаҳатхоналари фаолият кўрсатган, улар юридик шахс мақомига эга бўлмаган, улар ўз ҳудудида фуқаролар, корхоналар, «колхоз ва совхозларга» юридик ёрдам кўрсатиб келганлар. 1997 йилга қадар жойларда Адвокатлар ҳайъатидан ташқари адвокатлик тузилмалари бўлмаган. 1997 йил 1 январь ҳолатига кўра [1, Б. 9.], Ўзбекистон Республикасида жами 14 та адвокатлар ҳайъати (коллегияси) ва туман/шаҳарларда жами 180 та юридик маслаҳатхоналар фаолият кўрсатган бўлиб, уларда фаолият кўрсатган адвокатлар сони 1641 тани ташкил этган. Адвокатлар ҳайъати (коллегияси)нинг олий органи адвокатларнинг умумий йиғилиши ҳисобланган. Унинг бошқарув органи сифатида Раёсат фаолият кўрсатган. 5, 7, 9 тадан иборат раёсат аъзолари ва унинг раиси адвокатларнинг умумий йиғилишида 5 йил муддатга сайланган. Адвокатларни ҳайъат аъзолигига қабул қилиш, уларни аъзоликдан бўшатиш, адвокатларга нисбатан интизомий иш қўзғатиш, интизомий ишларни кўриб чиқиш ва интизомий жазо бериш Раёсат ваколатига тегишли бўлган. Адвокатлар ҳайъатининг штат бирликлари, ойлик иш ҳақлари, тушум ва харажатлар сметаси Адлия идоралари томонидан назорат қилинган.

Илмий-назарий, тарихий таҳлиллардан келиб чиқиб, 1991 йилдан 1997 йилга қадар адвокатура институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

адвокатурага жамиятнинг алоҳида ҳуқуқий институти сифатида қаралмасдан давлатнинг ижроия органлари (адлия органлари, халқ депутатлари вилоят шаҳар, туман ижроия қўмиталари) томонидан назорат қилинди ва бошқарилди;

адвокатлар иш ҳақларининг энг кўп миқдори ва адвокатлар ҳайъатларидаги адвокатларнинг штат бирлиги чегараси адлия органлари томонидан белгилаб берилган;

Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳрида адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакли сифатида фақат биттадан адвокатлар ҳайъати фаолият кўрсатиб келган бўлиб, адвокатлик фаолиятини бошқа шакллари тузишга руҳсат берилмаган. Адвокатлар ҳайъатини ташкил этиш ёки уни тугатиш, аҳолига юридик ёрдам кўрсатиш масаласини ҳал этиш Адлия органлари ваколатига тегишли бўлган.

Ўзбекистонда адвокатура институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг ривожланишининг 1996-2008 йилларга тўғри келди.

Ривожланишнинг ушбу босиқичида адвокатура тизимида амалга оширилган дастлабки ислохотларнинг ҳуқуқий амалий натижаси сифатида мамлакатимизда илк бор 1996 йил 27 декабрда «Адвокатура тўғрисида»ги [2], 1998 йил 25 декабрда эса «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги [3] қонунлари қабул қилинди.

Адвокатура фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий шакли сифатида амалда фаолият кўрсатаётган адвокатлар ҳайъати билан бир қаторда адвокатлик фирмаси, адвокатлик бюросини ташкил этиш белгиланди.

Адвокатлар ҳайъатининг «монополия» фаолиятига чек қўйилди. Соғлом рақобат муҳити яратилди. Натижада адвокатлар ҳайъатларининг аксарияти қайта ташкил этилиб, уларда фаолият кўрсатиб келган адвокатлар ўзлари ҳайъат, адвокатлик фирмаси ва адвокатлик бюроларини таъсис этиб, мустақил равишда фаолиятларини бошлади.

Жамоат бирлашмаларини тузиш мумкинлиги белгиланди. Турли ташкилий ҳуқуқий шаклдаги адвокатлик тузилмаларинининг ташкил этилиши натижасида Республикада барча адвокатларнинг ягона касбий бирлигини таъминлаш икониятига эга бўладиган, уларнинг манфаатларини ифода этадиган жамоат бирлашмасини ташкил этиш зарурияти пайдо бўлди. Шу боис 1997 йилда бўлиб ўтган адвокатларнинг Съездида Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси ташкил этилиб, унинг Устави тасдиқланди. 1999 йилда «Адвокат» журналинини чоп этилиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон адвокатларининг 2003 йил 6 февралда бўлиб ўтган Съездида Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг янги таҳрирдаги Устави ва адвокатларнинг касб одоби қоидалари тасдиқланди. Ушбу Съездда Ассоциация раиси ва ҳар бир вилоятдан иккитадан Бошқарув аъзолари сайланди. Шунингдек, Съездда Адвокатурани ислох қилиш Концепцияси лойиҳаси муҳокама қилиниб, тасдиқланди. Уставда Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси Республикада фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг касбий бирлашмаси сифатида кўрсатилди.

Шунингдек Уставда Ассоциациянинг ҳуқуқий мақоми, унинг мақсад ва вазифалари, ассоциацияга аъзолик, ассоциациянинг Бошқарув ва назорат органлари, унинг ҳудудий бўлимлари, ассоциациянинг мол-мулки ва маблағлари каби масалалар назарда тутилган эди. Уставда ассоциациянинг олий бошқарув орган ҳисобланган Съездни тўрт йилда бир марта чақирилиши белгиланди.

Адвокатларнинг жамоат бирлашмаси сифатида Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси ихтиёрий аъзоликка асосланган бўлиб, у аъзо адвокатлар томонидан ўтказиладиган аъзолик бадаллари ҳисобига ўз фаолиятини амалга оширди.

Ассоциацияга аъзолик ихтиёрий бўлганлиги, қабул қилинадиган қарор ва меъёрий ҳужжатларни бажарилиши адвокатлар учун мажбурий бўлмаганлиги боис Республикада фаолият кўрсатган адвокатларнинг муайян қисмигина Ассоциацияга аъзо бўлган эдилар ва улар томонидан ўтказиладиган аъзолик бадаллари уюшманининг тўлақонли фаолият юритиш имкониятини чеклаб қўйган эди. Лекин шунга қарамадан Адвокатлар Ассоциацияси Республикадаги адвокатларни манфаатларини давлат органлари олдида ифода этиш, адвокатура тизими олдидаги муаммоларни мумкин қадар ҳал этиш, соҳа қонунчилик базасини такомиллаштириш йўлида самарали фаолият кўрсатиб, том маънода адвокатларни ўзида бирлаштирувчи бирлашма сифатида республикада танилди, ҳамда республиканинг барча вилоятларида ва Тошкент шаҳрида унинг бўлимлари фаолият кўрсатди. Натижада адвокатларнинг Ассоциация фаолиятига нисбатан муносабати аста-секин ижобий томонга ўзгариб ихтиёрий равишда Адвокатлар Ассоциацияси атрофида бирлаша бошладилар.

Рақамларга эътибор бериладиган бўлса, агар 2003 йилда Республикада фаолият кўрсатган адвокатларнинг 1100 нафари расман Ассоциацияга аъзо бўлган ва уларнинг 50 фоизи аъзолик бадалларини тўлаб турган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 2 500 тани [4, Б. 18.] ташкил қилди.

Адвокатлар Ассоциацияси ўз фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган ҳудудий бўлимлар орқали амалга оширди. Адвокатлар

Ассоциацияси Уставида Ассоциация раисининг ваколат муддати 4 йил бўлиб, у Съездда муқобил номзодлар орасидан ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси адвокатларнинг жамоат бирлашмаси сифатида 2008 йилгача фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–3993-сон Фармонида [5] асосан Ўзбекистон адвокатлар Ассоциацияси негизида мажбурий аъзоликка асосланган ўзини ўзи бошқариш органи бўлган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этилиши муносабати билан 2008 йил сентябрда ўз фаолиятини тугатди.

Ривожланишнинг ушбу босқичида адвокатура институти жамиятда ўз ўрни, мавқеига эга бўлган бўлсада, қонунчиликдаги айрим камчиликлар ва бўшлиқлар амалиётда ҳал этилиши лозим бўлган қуйидаги муаммолар борлиги ва адвокатура янада ислоҳ қилиниши лозимлигини кўрсатди:

биринчидан, қонунчиликда адвокат мақомини олган шахс қачондан бошлаб адвокатлик фаолиятини бошлаши лозимлиги ҳақида ҳуқуқий норма белгиланмаганлиги сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ишловчи олий маълумотли шахслар томонидан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши нияти бўлмасада, ҳар эҳтимолга қарши адвокатлик лисензиясини олиб қўйиш амалиёти кучайди. Масалан, 2009 йил 1 январга [6, Б. 22.] қадар Республикада 7225 нафар шахс адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лисензия олган бўлса, шулардан 4225 нафари амалда адвокат сифатида фаолият кўрсатган.

Иккинчидан, 1997 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси 1997-2003 йиллар оралиғида 9 та вилоятда ҳудудий бўлимини тузмаган ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлим тузилган деб расман эълон қилинган бўлсада, у амалда фаолият юритмаган эди. Шунингдек Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг раислари (3 марта Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси раиси алмашган) ва ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида асосий иш сифатида бошқа лавозимларда фаолият юритганлиги сабаб Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг алоҳида офиси бўлмаган. Ушбу муаммолар ва адвокатлар ўртасида етарли ташвиқот ишларини олиб борилмаганлиги ҳамда энг муҳими Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси адвокатларни ўзини-ўзи бошқариш органи эмас, балки жамоат бирлашмаси бўлгани сабаб 1997-2003 йилларда адвокатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайдиган бирлашмага айлана олмади.

2008 йилдан 2017 йилга қадар бўлган даврга тўғри келиб, Адвокатура тизими ривожланишининг мазкур босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–3993-сон Фармони [5] қабул қилиниши билан характерланади. Мазкур ҳужжат суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим йўналиши сифатида адвокатура институтини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Фармонда адвокатларнинг жамоат бирлашмаси сифатида фаолият кўрсатиб келган Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси негизида мамлакатда фаолият кўрсатиб келган барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этилиши кўрсатилиб, унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланди.

Фармондан келиб чиқиб, 2008 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори [8] қабул қилинди. Қарорда адвокатлар палатасининг ташкилий тузилмаси, палата раиси, ўринбосарларини лавозимларга тасдиқлаш, палатанинг Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бошқармаларини ташкил этиш, бошқарма бошлиқларини лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, палатага аъзолик, аъзоларнинг кириш ва аъзолик бадалларини белгилаш, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларини жой билан таъминлаш каби ташкилий ҳуқуқий масалалар белгилаб берилди.

Юқорида қайд этилган Президент фармони ва Вазирлар Маҳкамаси Қарори талабларидан келиб чиқиб ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида 2008 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг таъсис конференцияси ўтказилди. Ушбу конференцияда Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси негизида унинг ҳуқуқий вориси сифатида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бошқармалари ташкил этилди. Шунингдек, таъсис конференцияда палатанинг Устави, Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом, Адвокатлар касб этикаси Қоидалари тасдиқланди ҳамда палата раиси, Бошқарув аъзолари сайланди, палатага кириш ва аъзолик бадалларининг миқдорлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилиши муносабати билан илгари адлия идоралари томонидан амалга оширилиб келинган адвокатура ва адвокатлик фаолиятига оид қуйидаги масалаларни ҳал этиш ваколати Адвокатлар палатасига берилди. Хусусан:

- адвокатурага оид масалалар бўйича тушунтириш ва хулосалар бериш;
- адвокатларнинг ҳуқуқлари ва ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- адвокатларни уларни касбий фаолияти билан боғлиқ турли таъқиблардан, асоссиз чеклашлар ва тажовузлардан ҳимоя қилиш;
- адвокатларни, адвокат стажерлари ва ёрдамчиларини касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- аҳолининг юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжларини ўрганган ҳолда юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш орқали аҳолини юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжини қондириш;
- Адвокатларнинг касб этикаси Қоидалари ва соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя қилинишини назорат қилиш;
- малака комиссиялар ишини ташкил этиш;
- адвокатура тизимини ижтимоий иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларини белгилаш;
- адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилиши бўйича статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш ва ҳ.к.

Маълумки мажбурий аъзоликка асосланган адвокатура ўзини-ўзи бошқариш органини ташкил этилиши илгариги қонунчиликда белгиланмаганлиги ва адвокатларнинг жамоат бирлашмаси сифатида фаолият кўрсатган Адвокатлар ассоциациясига мажбурий аъзолик назарда тутилмаганлиги боис адвокатлик фирмаси ва адвокатлик бюроларида ишлаган адвокатларнинг аксарият қисми ассоциацияга аъзо эмас эдилар. Оқибатда, ушбу адвокатлик тузилмаларининг фаолияти, улардаги адвокатлар томонидан кўрсатилаётган юридик ёрдамнинг сифати назоратдан четда қолиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ташкил этилиши натижасида мавжуд муаммолар бартараф этилди. Адвокатлар палатаси адвокатлик тузилмалари фаолиятини марказлаштирилган ҳолда мувофиқлаштириб бориб мамлакатимизнинг 14 та ҳудудида ҳудудий бошқармалар билан биргаликда адвокатуранинг ягона ўзини-ўзи бошқариш тизимини шакллантирди.

Қонунчиликда Адвокатлар палатасига аъзо бўлмасдан туриб адвокатлик фаолиятини бошлаш мумкин эмаслиги тўғрисида ҳуқуқий механизм белгиланганлиги боис фаолият кўрсатаётган барча адвокатларни Адвокатлар палатасига тўлиқ аъзолигини таъминлади.

Адвокатлар палатаси фаолияти давомида қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириб адвокатлик тузилмалар ва адвокатларнинг касбий фаолиятидаги айрим муаммоли масалаларини ҳал қилиб келган бўлсада бошқарувдаги айрим камчиликликлар, адвокатлар билан бўлган муносабатлардаги баъзи чалқашликлар, хусусан марказий аппаратнинг бюрократлашуви ва адвокатларга нисбатан бўлган «тўраларча» муносабат Адвокатлар палатасининг адвокатура институти ҳимоячиси сифатидаги ролини пасайиб кетишига сабаб бўлди. Палата фаолиятидаги бу каби камчиликлар ва айрим муаммолар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майда қабул қилган «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини

кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [9] ПФ–5441-сон Фармонида ҳам кўрсатиб ўтилди ва унда Палата фаолиятини янада такомиллаштириш йўналишлари белгилаб берилди.

Ривожланишнинг ушбу босқичида адвокатура институтини янада такомиллаштириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш, суд ишларининг барча босқичларида томонларнинг тортишув принципларини тўлақонли амалга оширилишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган юридик ёрдамни сифат ва самарадорлигини ошириш, адвокатларнинг мақоми ва касб малакаларига қўйиладиган талабларни кучайтирилиши ҳамда адвокатларнинг касбий фаолияти кафолатларини таъминлашга қаратилган Қонунчилик базаси янада такомиллаштирилиб, ушбу йўналишда муайян вазифалар амалга оширилди. Лекин шунга қарамайдан соҳа қончилигидаги айрим нормаларни амалга ошириш механизмларининг мукамал эмаслиги ва айрим ҳуқуқий муносабатларни қонунчиликда белгиланмаганлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муайян камчиликлар адвокатуранинг замон талаби даражасида ривожланишига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар борлигини кўрсатди. Хусусан:

Биринчидан, «Адвокатура тўғрисида»ги қонунда [10] Адвокатлар палатаси раисини лавозимига сайлашга номзод тақдим этиш ва уни муддатидан олдин чақириб олиш Адлия вазирлигининг тақдимномасига асосан амалга оширилиши, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланган ҳудудий бошқармалар бошлиқларини Палата раиси томонидан лавозимига тайинланиши ва озод этилиши белгиланган бўлиб, ушбу ҳолатлар халқаро ҳужжатларда белгиланган адвокатура институти ва адвокатлик фаолиятининг мустақиллик принципларига ҳамда соҳага оид халқаро нормалар табиатига зид. Чунки адвокатурага оид халқаро ҳужжатларда ва хорижий мамлакатларда адвокатура ўзини ўзи бошқариш органи раҳбарлари тайинлов асосида эмас, балки адвокатлар томонидан муқобил йўл билан очиқ-ошкора демократик тартибда сайланиши белгилаб қўйилган.

Иккинчидан, адвокатлик тузилмалари (хайъат, фирма, бюро) ўртасидаги фарқли жиҳатлар, молиявий хўжалик фаолияти бошқарув тартиблари соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилмаганлиги боис бу соҳада турли амалиёт вужудга келган.

Учинчидан, Адвокатлар палатаси фаолиятига оид муҳим масалалар, хусусан бошқарув органлари аъзоларининг (Бошқарув аъзолари, Тафтиш комиссияси аъзолари, раис ўринбосарлари) лавозимидан озод қилиш, конференциялар оралиғида янги аъзоларни сайлаш ёки тайинлаш масалаларини қонун ҳужжатларида эмас, корпоратив ҳужжатларда белгиланганлиги амалиётда палата бошқарув органларини шакллантиришда давлат органлари мансабдор шахсларининг таъсир кўрсатиш имкониятини яратади.

Ривожланишнинг 2018 йилдан ҳозирги вақтгача бўлган даврда адвокатуранинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турмоқда. 2018 йил 12 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5441-сон Фармони [9] қабул қилиниб, унда сўнги йилларда мамлакатда кучли, мустақил адвокатура тизимини барпо этиш йўлида амалга оширилган ислохотлар, уларнинг ижобий натижалари эътироф этилиши билан бирга унинг бугунги кун талаби даражасида ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Адвокатлар палатаси адвокатларнинг корпоратив бирлигини таъминлаш, касбий ҳимоя қилиш ва улар манфаатларини ифода қилиш мақсадида ташкил этилган бўлишига қарамай, у ўзининг 10 йиллик фаолияти давомида вазифасини тўлақонли бажармади. Фармонда таъкидланганидек, унинг адвокатура институти ҳимоячиси сифатидаги роли пасайиб бюрократик ташкилотга айланиб кетди.

Конституциянинг 29-моддасида [7] ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши, қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилиши белгиланганлиги мазкур принципнинг ифодаси бўлди, десак тўғри бўлади.

Ушбу конституциявий нормани амалиётга татбиқ этиш мақсадида 2023 йилнинг 16 июнь куни «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Қонун 5 боб, 32 моддадан иборат. Давлат ҳисобидан

юримдик ёрдам кўрсатишнинг аввалги тартиби бир қатор камчиликларга эга эди, хусусан: биринчидан, қонунчилик ҳужжатлари фақатгина жинойт ишлари бўйича давлат ҳисобидан юримдик ёрдам кўрсатиш имконини берарди; иккинчидан, қонунчилик ҳужжатларида бепул юримдик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни белгилаш бўйича аниқ мезонлар мавжуд эмас эди; учинчидан, кам таъминланган ва бепул юримдик ёрдамга муҳтож шахсларга бепул юримдик ёрдам кўрсатишнинг миллий тизими шакллантирилмаган эди.

Адвокатура институтининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ривожланиш генезиси ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш адвокатура институтини такомиллаштиришга хизмат қилади.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистонда адвокатура: жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари (таҳлилий маълумот). Б.Саломов, В.Давлятов, С.Пардаев, Г.Сайфиева. - Тошкент : Baktria press, 2020. P. 9. (Advocacy in Uzbekistan: current state and development prospects (analytical information). В. Salomov, V. Davlyatov, S. Pardayev, G. Sayfiyeva. - Tashkent: Baktria press, 2020. P. 9.)
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 48-модда (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997, No. 2, Art. 48).
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 12-модда. (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1999, No. 1, Art. 12).
4. Ўзбекистонда адвокатура: жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари (таҳлилий маълумот). Б.Саломов, В.Давлятов, С.Пардаев, Г.Сайфиева. - Тошкент : Baktria press, 2020. P. 18. (Advocacy in Uzbekistan: current state and development prospects (analytical report). В. Salomov, V. Davlyatov, S. Pardayev, G. Sayfiyeva. - Tashkent: Baktria press, 2020. P. 18).
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 144-модда. (Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2008, No. 18, Art. 144.)
6. Ўзбекистонда адвокатура: жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари (таҳлилий маълумот). Б.Саломов, В.Давлятов, С.Пардаев, Г.Сайфиева. - Тошкент : Baktria press, 2020. P. 22. (Advocacy in Uzbekistan: current state and development prospects (analytical report). В. Salomov, V. Davlyatov, S. Pardayev, G. Sayfiyeva. - Tashkent: Baktria press, 2020. P. 22.)
7. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон (National Database of Legislation, 01.05.2023, No 03/23/837/0241)..
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 22-23-сон, 201-модда (Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2008, No. 22-23, Art. 201).
9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2018 й., 06/18/5441/1210-сон (National Database of Legislation, 14.05.2018, No 06/18/5441/1210).
10. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 514-модда (Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2008, No. 52, Art. 514).

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 3

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000